



PUBLICATION OF FICTION BOOKS, PAMPHLETS, TEXTBOOKS, ART AND OTHER WORKS IN THE PUBLISHING HISTORY OF UZBEKISTAN

A. Mirzorakhimov

Rector

*National Institute of Painting and Design named after Kamoliddin Behzod
Tashkent, Uzbekistan*

ABOUT ARTICLE

Key words: lithography, manuscript, "rag paper", calligraphy, shirach, papier-mâché

Received: 22.09.24

Accepted: 25.09.24

Published: 27.09.24

Abstract: The article provides information about the emergence of lithography in Tashkent, the stages of its formation and development, and the history of the creation of lithography books.

ЎЗБЕКИСТОН НОШИРЛИК ТАРИХИДА БАДИИЙ КИТОБЛАР НАШРИ, РИСОЛАЛАР, ДАРСЛИК, САНЪАТ ВА БОШҚА СОҲАЛАРГА АСАРЛАР

A. Мирзорахимов

ректор

*Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти
Тошкент, Ўзбекистон*

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: тошбосма, қўлёзма, "латта қоғоз", хаттотлик, ширач, қоғозрез

Аннотация: Мақолада Тошкентда тошбосманинг пайдо бўлиши, шаклланиш босқичлари ва ривожланиш хусусиятлари, тошбосма китобларнинг вужудга келиши тарихи ҳақида маълумотлар берилган.

ИЗДАНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ КНИГ, БРОШЮР, УЧЕБНИКОВ, ХУДОЖЕСТВЕННЫХ И ДРУГИХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ ПО ИСТОРИИ ИЗДАТЕЛЬСКОГО ДЕЛА УЗБЕКИСТАНА

A. Мирзорахимов

ректор

*Национальный институт живописи и дизайна имени Камолитдина Бехзода
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: литография, «тряпичная бумага», каллиграфия, ширах, папье-маше
Аннотация: В статье представлены сведения о возникновении литографии в Ташкенте, этапах ее становления и развития, а также истории создания литографических книг.

КИРИШ

Ўзбек халқи қадимий ва бой маданиятга эга бўлган халқлардан биридир. У жаҳон илм-фани, санъати ва адабиёти тараққиётига катта ҳисса қўшган, бетакрор адабий-бадий асарлар яратган. Мазкур асарлар аҳолининг турмуш тарзида катта аҳамият касб этган, уларга талаб катта бўлган. Шу сабабли мазкур асарлар қўлёзма ҳолатида аҳоли орасида энг кўп тарқалган китоблар сирасига кирар эди. Ўрта Осиё аҳолисининг деярли ҳар бирини уйида дostonлар, девонлар, баёзлар ва қиссалар сақланганлиги улар авайлаб-асраб, севилиб ўқилганлиги сир эмас. Адабий асарларга бўлган азалий қизиқиш ва эҳтиёж уларнинг тошбосма усулда кенг нашр этилишига олиб келган. Тошбосмаҳоналарда нашр этилган китоблар орасида адабий асарлар етакчилигининг яна бир сабаби уларни нашр эттиришга цензурадан рухсат олишнинг осон бўлганлиги билан боғлиқ.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўрта Осиёда ишга тушган тошбосмаҳоналарнинг деярли барчасида илк бора адабиётга оид асарлар нашр этилганлиги ҳам юқоридаги фикрларни тасдиқлайди. Жумладан, Хивада Хуршид матбаасида Муниснинг “Девони Мунис”, С.И. Лахтин матбаасида Сўфи Оллоёрнинг “Китоби сабот ул-ожизин”, О.А. Порцев матбаасида Машрабнинг “Мабдаи нур”, В.М. Ильин матбаасида “Зайнулараб”, Ғ. Ҳ. Орифжонов матбаасида “Ал Кофия Маъ фикҳ” асарлари илк бора нашр этилган.

Ўрта Осиё тошбосмаҳоналарида XIX асрнинг сўнгги йилларида асосан мумтоз адабиёт намояндаларининг асарлари нашр этилган бўлса, XX асрнинг бошларидан бошлаб ўша давр шоир ва ёзувчилари асарлари кўпроқ нашр этила бошланган. Бу борада Ҳ.Ҳ. Ниёзий, А. Авлоний, Бахриддин ал-Азизий бир қатор адабий йўналишдаги ўша давр муаммоларини кўрсатиб берадиган асарларни ёзиб нашр эттирганлиги таҳсинга сазавордир.

Тошбосмаҳоналарда нашр этилган адабий асарларнинг нашрлари ва мавзулари кенглиги билан ажралиб турсада, мазкур асарлар нашр этилган матбааси ва даври нуқтаи назаридан бир-биридан фарқланади. Жумладан, Хива матбаасида кўплаб адабий асарлар нашр этилганлиги Хива хони Муҳаммад Ферузшоҳ яратган адабий муҳит таъсири билан боғлиқ бўлиб, ўзбек мумтоз асарлари билан бир қаторда, Хивадаги шоирларнинг асарлари

хам кенг нашр этилган. Шунингдек, бу матбаада китоб босиш учун цензурадан рухсат олишнинг ҳожати ҳам бўлмаган, китоб нашр этишда Хива хони рухсат берган.

Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва бошқа шаҳарлардаги матбааларда кўплаб китоблар чоп этилишининг асосий сабаби мазкур китобларнинг савдоси чаққон бўлганлиги билан белгиланади.

Ўрта Осиёдаги барча матбааларда девонлар кенг нашр этилганлиги билан ажралиб туради. Жумладан, тошбосма усулда китоб нашр этила бошлагандан сўнг ҳам девон тузиш анъанаси давом этиб, девонларни чоп этилиши орқали тараққий топди. Тошкентдаги кутубхоналарда тошбосмада нашр этилган девонларнинг 78 номдагиси мавжуд бўлиб, улар қуйидаги тарзда таҳлил қилинди. Мазкур девонлар биттадан Андижон ва Бомбейда, 2 та Самарқанд, 6 та Бухоро, 20 та Хива ва 42 та Тошкент нашрлари мавжуд. Девонларнинг Андижондаги нашри ўзбек тилида, Бомбей нашри форс тилида, Самарқанд нашри форс тилида, Бухоро нашрининг 5 таси форс тилида ва 1 таси Туркман тилида, Тошкент нашрининг 10 таси форс тилида, 1 та туркман тилида, 3 та Озарбайжон тилида, 28 та ўзбек тилида, Хива нашрининг барчаси ўзбек тилида нашр этилган. Кўриниб турибдики девонларни нашр этишда Тошкент ва Хива матбаалари етакчи ўринда турган. Шунингдек, нашр этилган девонлар тилига қараганда ҳудудий таъсирни кўриши мумкин, жумладан Хивада давлат ишлари асосан ўзбек тилида олиб борилганлиги учун барча девонлар ўзбек тилида, Самарқанд ва Бухорода форс тилида, Тошкентда ҳар иккала тилда нашр этилган. Шунингдек, туркман ва озарбайжон тилидаги девонлар ҳам мавжуд.

Дастлабки девон Хивада 1874 йилда нашр этилган бўлиб, шундан сўнг девон нашр этиш 1916 йилгача давом этган. Бу йиллар давомида Бедил, Навоий, Машраб, Мухлис, Огаҳий, Ферузшоҳ, Умархон ва бошқа кўплаб шоиру уламоларнинг девонлари нашр этилган. Бу даврда босилган девон ва баёзлар ичида ҳам девон, ҳам баёз хусусиятларига эга бўлган китоблар учрайди. Илгариги даврларда деярли кўрилмаган бундай асарлар тошбосма нашрларининг ўзига хос хусусиятларидан бирини ўзида акс эттирган. “Баёзи Дилкаш”, “Баёзи Маҳдий” номи билан нашр этилган асарлар шулар жумласидандир.

Бу даврларда баёзлар нашрига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Баёз турли даврда яшаб ижод этган шоирлар асарларини ўзида жамлаган шеърлар тўпламидир. Тошбосма баёзлар ҳам қўлёзма баёзлар сингари тартиб берилиб чоп этилган. Баёзлар муаллифнинг номи, тузувчининг номи билан ёки мавзу характерига қараб турлича номланган. Жумладан, “Баёзи Мулла Ўтаб”, “Баёзи Хислат”, “Савғоти Хислат”, “Баёзи Маҳбуб ул-маҳбуб”, “Баёзи муҳалло” ва бошқалар.

Баёзлар асосан Тошкент матбааларида нашр этилганлиги билан ажралиб туради. Хива, Самарқанд матбааларда баёзлар деярли нашр этилмаган. Тошкентдаги матбаалардан

асосан Ғ.Ҳ. Орифжонов ва Яковлев матбааларида баёзлар нашр этилганлиги маълум. Баёзларнинг 35 номдагисини таҳлил қилганда улардан бир нашри Қўқонда, 3 нашри Бухорода қолган нашрлари Тошкентда нашр этилган. Тошкентда нашр этилган 31 номдаги баёзнинг 30 таси ўзбек тилида ва биттаси форс тилида, Бухорода нашр этилган 3 номдаги баёзнинг 2 таси форс тилида, биттаси ўзбек тилида нашр этилган. Тошбосмада баёзлар илк бора 1904 йилда нашр этилган шундан сўнг 1915 йилгача жами 35 номда баёз нашр этилиб тарқатилган.

Тошбосмада баёзлар нашр этилишининг аҳамиятли жиҳати шунда бўлганки, кенг аҳолини битта китобнинг ўзиданок бир қанча шоирларнинг ижодидан баҳраманд бўлиш имконини кенгайтирган.

Тошбосмада нашр этилган девон номи билан аталган лекин аслида баёз бўлган китоблар ҳам мавжуд, жумладан 1907, 1911 йилларда Тошкентда нашр этилган “Девони Муқимий” китобни келтириш мумкин, бунда муқимий шеърлари қаторида бошқа шоирлар (Фузулий, Амирий, Фурқат) ижодидан ҳам намуналар келтирилган бўлиб аслида баёз ҳисобланган.

Тошбосмада нашр этилган баёзларнинг яна бир хусусияти шундаки уларда шоирларнинг ижоди намуналари билан бир қаторда маълум тарихий воқеалар ҳам берилганлигини кўришимиз мумкин. Жумладан, 1913 йилларда Қўқонда нашр этилган “Баёз маъ - хажвиёти Мавлоно Муқимий маа Фурқат” баёзида Муқимий, Фурқат, Муҳий, Тажаллий шеърлари билан бир қаторда Дукчи эшон ҳақидаги маълумотлар ҳам берилган.

Баёзларда шеърлар билан бир қаторда мусиқага бағишланган муҳим маълумотларнинг берилганлигини кўришимиз мумкин, бу ҳол тошбосма баёзларининг ўзига хос хусусиятлардан бирини белгилаб беради. Жумладан, 1911 йилда Хислатнинг “Армуғони Хислат” номли баёзи ўзбекча, форсча намуналардан таркиб топган бўлиб, унга “савти дугоҳ”, “дугоҳи Хусайн”, “ушшоқ”, “чоргоҳ”, “тароани баёт”, “савти наво” каби мақомлар киритилган ва ҳар куйга шеърлар берилган.

Тошбосмада нашр этилган баёзларнинг асосий қисми бевосита XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида яратилган бўлиб, қўлёзма тартибида эмас, балки тошбосма усулида китоб шаклига келтирилган. Шу сабабли ҳам бу давр баёзларини ўрганувчилар учун асосий манба ҳисобланади. Тошбосмада нашр этилган баёзларнинг ўзига хос ютуқлари сифатида бутун ўзбек адабиёти тарихидаги шоирларнинг ижодини умумлаштириб берилишини, баёзларда тарихий, биографик маълумотларни киритила бошланганлигини кўрсатиб ўтиш аҳамиятга молик. Баёзларни нашр этишда бир қаторда камчиликлар ҳам учраган, жумладан, уларнинг номланишидаги чалкашликлар, шеър мисраларининг жойларини алмашиб кетиши, баёз номи билан унинг мазмунинг мос келмаслиги каби ҳолатларни келтириб ўтиш

мумкин. Аммо, мавжуд бу камчиликлардан баёзларнинг савиясига салбий таъсир кўрсатмаган, аксинча, тошбосма баёзларининг кенг миқёсида чоп этилиши ва тарқалиши ўзбек маданияти тарихи ривожига улкан ҳисса қўшган.

XX аср бошларида тошбосмаларда ўша давр маърифатпарварларининг шеърий тўпламлари нашр этила бошланди. Бу китобларда асосан давр муаммолари, ютуқлари очиб берилганлиги учун уларнинг чоп этилиши бирмунча қўпайган. Шеърий тўпламлар илк бора 1904 йилда нашр этилган бўлиб, 1920 йилгача давом этган. Бу давр оралиғида «халқ адабиётидан намуналар» йиғиш орқали халқ оғзаки ижодидаги шеърлар илк маротаба китоб шаклига келтирилганлигини ва 1904 йилдан 1920 йилгача мавсумий нашр этилиб борилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу борада Х.Х. Ниёзий ва А. Авлонийлар “Миллий шеърлар” номи билан халқ оғзаки ижоди намуналарини китоб шаклига келтирилганлиги алоҳида аҳамиятга молик. Бу даврда нашр этилган шеърий тўпламлар халқнинг ижтимоий аҳволини кўрсатиб берувчи манба сифатида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, 1917 йилда Тошкентда А. Авлоний бир неча шоирларнинг Туркистонда 1916 йилда бошланган мардикорликка олиш муносабати билан ёзган шеърларини уларнинг рухсати билан йиғиб, ўзининг шу муносабат билан ёзган шеърларини қўшиб “Мардикорлар ашуласи” номи билан нашр эттирган.

Шеърий тўпламлар асосан Тошкент ва қисман Қўқон, Самарқанд, Бухоро шаҳарларида нашр этилган, Хивада бундай китоблар чоп этилмаган. Шеърий тўпламларни яратишда Абдулқодир Самарқандий, Иброҳим Даврон, Хислат, Хилватий Намонгоний, Сидкий, Дилафкор каби бир қатор шоирлар фаолият олиб боришган. Мазкур китобларнинг Тошкент нашрлари деярли барчаси ўзбек тилида, Самарқанд нашрлари ўзбек, форс, араб тилида, Наманган нашри ўзбек-тожик тилида чоп этилган.

Тошбосмаларда энг кўп нашрлардан бири дostonлар, ҳикоялар, халқ қиссалари ҳисобланади. Гарчи, тошбосмадан аввал ҳам ҳикоялар қўлёзма тарзда кўчирилган бўлсада, тошбосмаҳоналар вужудга келгандан сўнг ҳикоялар халқ оғзаки ижоди намуналари илк бора китоб қилина бошланган. Бу китобларга аҳоли ўртасидаги талабнинг юқорилиги, уларнинг бир неча бор нашр этилишига сабаб бўлган. Чунки, бундай китобларни нашр этиш матбаа эгасига ҳам, ноширга ҳам бирдек катта фойда келтирар эди. Бу китоблар орасида айниқса диний жангнома асарлар катта талабга эга бўлган ва шу даражада нашр этилган. Бундай асарлар асосан Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Наманган матбааларида нашр этилган. Хива матбаасида бу борада бирорта асар нашр этилмаган.

Тошкент, Бухоро, Самарқанд, Наманган матбааларида ҳикоялар кенг нашр этилишининг асосий сабаби бу ердаги матбааларнинг хусусий бўлганлиги, бу борадаги фойда ва талабнинг катталиги билан боғлиқ. Хива матбааси эса бевосита хон ҳузуридаги

матбаа бўлганлиги ва савдо-сотик учун китоб чиқармаганлиги сабабли бу матбаада ҳикоялар нашр этилмаган.

Тошбосмаларда нашр этилган дostonлар, ҳикоялар ва қиссаларнинг 150 номдаги нашри Тошкент кутубхоналарида сақланмоқда. Мазкур асарлар Тошкентда асосан ўзбек тилида қисман форс ва араб тилида, Бухорода форс тилида нашр этилган.

Мазкур китобларни мавзусига қараб латифалар, жангномалар, севги қиссалари, саргузашт асарлар каби бир неча турларига бўлиш мумкин. Хусусан, Тошбосмахоналарда чоп этилган латифаларнинг 18 нашри мавжуд бўлиб, улар асосан Тошкент ва Бухоро шаҳарларида чиқарилган. Тошкентда нашр этилган 13 нашрнинг барчаси ўзбек тилида бўлса, Бухорода чоп этилган 5 нашрнинг 2 таси ўзбек ва 3 таси форс-тожик тилида чоп этилган. Латифалар Насриддин Афанди, Алдаркўса, Алдар кўса китоби, Алдаркўса ва кулфатда қолган йигит номлари билан кўп ҳолларда суратлар билан безатилган ҳолда нашр этилган. Мазкур китоблар ичида “Насриддин Афанди” латифалари кўп бора нашр этилганлиги билан ажралиб туради.

Жангнома китоблари нашр этилган ҳикоялар ичида салмоқли ўринни эгаллайди. Аҳмадбек ва Бўзўғлон, Аҳтам Саҳоба, Аҳтам саҳоба ва қиссаи Нур ота, Жангномаи Зуфунун, Жангномаи Имом Ҳусайн, Жангномаи Подшоҳ Жамшид, Жангномаи ҳазрат Али, Жангномаи Ҳазрат Али ёки Ҳафдах ғазот, Жангномаи Ҳазрат имом Ҳасайн ва Ҳазрати имом Ҳусайн, Жангномаи ҳазрат Имом Ҳусайн, Зайнулараб, жангномаи ҳазрат имом Муҳаммад Ҳанафий, Заркум жангномаи Ҳазрат Али, Заркум, Қиссаи Амир Ҳамза соҳибқирон, Қиссаи Иброҳим Адҳам ва вафот Иброҳим ибн Ҳазрат Расул, Қиссаи Тамим Саҳоба, Қиссаи ҳазрат Иброҳим Исмоил, Китоби жангномаи Ҳазрат Али ва Заркум, Танбеҳнома жангномаи Имом Ҳусайн каби қиссалар тошбосмаларда бир неча мароталаб нашр этилган. Аҳолининг диний жангнома қиссаларига бўлган қизиқишининг катталиги бу даврда мазкур асарларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлган.

Ишқ муҳаббатга бағишланган “Баҳром ва Гуландом”, “Варқа ва Гулшоҳнаsr”, “Гул ва булбул”, “Гули Фаррух”, “Қиссаи шаҳзода Баҳром ва Малика Гуландом”, “Китоби Ғариб ва Шоҳсанам”, “Китоби Хурлиқо”, “Маликаи Дилнавоз”, “Маликаи Дилором”, “Тоҳир ва Зухро”, “Хисрав ва Ширин”, “Шаҳзода Ҳасайн ва маликаи Зарнигор” ҳикоялари бир неча мароталаб нашр этилган. Жумладан, XVIII асрнинг II ярмида яшаб ижод этган шоир Собир Сайқалийнинг “Баҳром ва Гуландом” достони бир неча бор тошбосмахоналарда чоп этилган. “Тоҳир ва Зухра” номли қисса, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам” достони бир неча бор матбааларда чоп этилган асарлардан бири ҳисобланади.

Саргузашт китоблардан “Зайн ул-араб”, “Аҳмадбек ва Бўзўғлон”, “Бобо равшан”, “Бўрқи Сармаст Вали Ҳикояси”, “Бўз йигит”, “Гўрўғли” “Султон қиссаси”, “Далла ва

Мухтор”, “Дузд ва қози”, “Жангномаи Турки”, “Қоруннинг ер ютқони воқеаси”, “Мушук билан сичқон Озодбахт ва ўн вазир таржима”, “Ҳақим Жўги”, “Афсунгар ҳақим Жўгининг ишлари ҳикояси”, “Хусайн-Байқаро канизак Шаҳон ва Ҳаёт каби” саргузашт китоблар тошбосмаларда нашр этилган.

Тошбосмада нашр этилган дostonлардан “Гўрўғли” дostonи, Шаҳзодалар Юсуфбек ва Аҳмадбекларнинг ҳақиқат ва адолат учун олиб борган курашларини ҳаётий ва афсонавий воқеалар асосида ҳикоя қилувчи “Юсуф ва Аҳмад”(ёки “Бўзўғлон”) дostonи, Фирдавсийнинг “Шoҳнома”си бир неча бор тошбосмаларда чоп этилган.

Ҳинд халқининг машҳур бадий асари, халқнинг сеvimли китобига айланиб қолган “Тўтинома” кўп тилларга таржима қилинган ва кўпгина матбааларда чоп этилган. “Тўтинома” асарининг 1906 йили Тошкентдаги О.А.Порцев матбаасида Мулло Мираъзам Мирсултон томонидан нашр этилган нусхаси 80 саҳифадан иборат бўлиб, асар кишиларнинг хулқ-атвори, ички кечинмаларини тадбиркор шаҳзода, унинг гўзал рафиқаси ва Тўти образлари орқали ифодаланган.

“Минг бир кеча” асари халқ эртаклари асосида яратилган бўлиб, ўқувчилар орасида кенг тарқалган китоблардан бири ҳисобланади. У китоб арабчадан таржима қилинган. “Алиф Лайло ва Лайло тарки бо тасвир” номи билан “Минг бир кеча”дан олинган парчалар Мулло Муҳаммад томонидан 1914 йили О.А. Порцев матбаасида чоп этилган. Асар 536 кеча ҳикояси билан бошланиб 565 кеча ҳикояси билан тугалланган. Шунингдек, Афсонавий қахрамонликдан ҳикоя қилувчи 1910 йил Тошкентда “Тилсим заррин” Муҳаммад Зуфар Шукур Муҳаммад томонидан, Чинмочин подшоҳининг саргузаштлари ҳикоя қилинадиган “Нўҳ манзар” каби кўплаб китоблар нашр этилган.

“Дилором” ёки “Маликаи Дилором” номи билан нашр этилган ҳикоянинг бир неча нашри мавжуд. Жумладан, Мир Аъзам Мирсултон ўғли томонидан 1906, Зуфар Муҳаммад ўғли томонидан 1910, Мирзо Аҳмад Саҳҳоф томонидан 1913-14, Муҳаммад Носих бин Алимӯҳаммад томонидан 1916 йиллари Тошкентда, Сайидхўжа Эшон томонидан 1910 йили, Зуфар Муҳаммад ўғли томонидан 1912 йиллари Бухорода чоп этилган.

“Дузд ва Қози” ҳикояси Боситхон Зоҳидхон ўғли томонидан ўзбекчага таржима қилиниб, 1907 йили Ильин матбаасида чоп этилган. Ҳикояда қози Башир ва ўғли ўртасидаги воқеа тасвирланиб, уларнинг расмлари ҳам чизилган, 32 бетли ҳажмдаги бу ҳикоя “Дузд қози турки” ва “ҳикояти дузд ва қози” номлари билан О.А. Порцев ва Яковлев матбааларида 1915 йил ва номаълум санада Муҳаммад Зуфар ибн Шукур Муҳаммад ва Мирзо Аҳмад бин Карим томонидан чиқарилган.

Афсонавий ҳикоялардан “Ҳаким жўғи” асари Мир Аъзам Мир Султон таржимасига мансуб бўлиб, 1910 йили Гуломия матбаасида чоп этилган. Бу асар афсунгар Ҳаким Жўгининг қилган ишлари ва бошидан ўтказганларини ҳикоя қилади.

Афсонавий қиссалардан “Қиссаи Иброҳим ибн Адҳам” 1906, 1911, 1912, 1913, 1914, 1916 йилларда Тошкент ва Бухорода нашр этилган.

Мирмахдумнинг “Китоби Ҳазори саволи маликаи донишманд маъ-саволи мутафарриқа” асари форс тилидан, ўзбек тилига таржима қилиниб, “Ҳазор саволи машҳур маликаи донишманд маъ-саволи мутафарриқа”, “Маликаи донишманд ҳазор савол” ва шунга ўхшаш номлар билан бир неча бор Тошкент, Бухоро ва бошқа шаҳарларда чоп этилган. Жумладан, 1904, 1908, 1913 йилларда Тошкентда Мулло Муҳаммад Сайидхон, Мулло Абдулқодир Махдум, Мирзааҳмад бин Мирзакарим ҳамда 1910, 1913 йиллари Бухорода Муҳаммад Сайид томонидан чиқарилган.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, тошбосма нашрлари ичида энг кўп нашр этилган асарларни адабий китоблар ташкил этади. Тарихнинг тошбосма даврига келиб Ўрта Осиёлик алломалар, шоирлар, олимларнинг асарларини кенг нашр этиш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида кўплаб девонлар, баёзлар, дарслик китоблар, халқ оғзаки ижоди намуналари акс этган китоблар нашр этилди.

Адабиёт ва халқ оғзаки ижодининг ёрқин намуналари жамиятда комил инсонни тарбиялаш, ватанга муҳаббат, севгида садоқат, адолат ва жасорат каби юксак инсоний фазилатларни сингдириш ғояларига хизмат қилган. Шу жиҳатдан аниқланган тошбосма китоблар ичида таълим-тарбия ва одоб-ахлоқ масалаларига бағишланган китобларнинг каттагина қисми кўриб ўтилди. Мазкур китобларнинг вужудга келишида жадидларнинг фаолиятини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Жумладан, уларнинг фаолияти натижасида илм, ахлоқ, маданиятга доир кўплаб китоблар вужудга келган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мунис. Девон. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 1315. – 1874.
2. Сўфи Оллоёр. Китоби сабат-ул-ожизин. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 188, 1100 (ўзбек тилида). – тилида). – 180 Б.
3. Зайнулараб. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 10659. – 1896.
4. Ал Кофия Маъ фикҳ. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 2878 (форс тилида). – 1897. – 197 Б.
5. Баёз Маҳбуб. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 328, 329, 330, 14865 (ўзбек тилида). – 1912. – 160 Б; Баёзи маҳбул ал-маҳбуб. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 328. – 1912; Хазиний. Баёзи Хазиний. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 12030. – 1914; Хислат. Сағовати Хислат. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 310. – 1914; Шавкат. Сағовати Шавкат. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 10184. – 1914.

6. Мухлис. Баёз. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № Қ.И Инв. № 26.
7. Шавкат. Савғоти Шавкат. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № Инв. № 10184.
8. Девони Муқимий . – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 14853.
9. Хислат. Армуғони Хислат. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 12555.
10. Халқ адабиётидан намуналар. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 906 12649 1925 (ўзбек тилида). – 1904.
11. Ҳамза. Миллий шеърлар.–ЎзР ФА ШИ. Инв. № 11057 4066 7628/1 (ўзбек тилида. – Қўқон., 1916.– 80 Б.; Авлоний. Миллий шерлар.– ЎзР ФА ШИ. Инв. № 18499 (ўзбек тилида). – Т., 1916.–34 Б.
12. Мардикорлар ашуласи.– ЎзР ФА ШИ. Инв. № 45618499 (ўзбек тилида). – Т., 1916.
13. Алф лайло ва лайло тарки бо тасвир. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 8181.
14. Дузд ва Қози. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 126.
15. Дузд ва Қози турки. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 14847, 469.
16. Ҳаким жўги. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 600.
17. Қиссаи Иброҳим ибн Адҳам. – ЎзР ФА ШИ. Инв. № 4621, 7235.
18. Бетгер Е.К. Редкие книги // Правда Востока. – 1945.– № 145.
19. Малкин И.Т. Қоғоз тарихи. – СССР ФА нашриёти, 1940. – 19 б
20. П.Суворов. Искусство литографии...– Б.21.; Энциклопедик луғат. – Тошкент., 1988. – Б. 464.; Тошбосма. // Растар.– Т., 1999 йил.
21. Ҳамдамов П. Ўрта Осиёда совет китоб нашриётининг пайдо бўлиши. – Т., 1966. – 1480 б.
22. Чабров Г.Н. У истоков узбекской полиграфии (Хивинская придворная литография 1874-1910 гг) // В кн. Книга, Исследования и материалы. – М., 1961. – С. 317-329.